

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02.30.01.2020.К/Т.104.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**БОТИРОВ РЎЗАЛИ АНВАРОВИЧ**

***HAPLOPHYLLUM PERFORATUM, ARUNDO DONAX L., CAPPARIS  
SPINOSA L., STEVIA REBAUDIANA* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ  
БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛИТЛАРИ  
СУБСТАНЦИЯЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.10- Биоорганик кимё**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025.**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Ботиров Рўзали Анварович**

*Haplophyllum perforatum*, *Arundo donax* L., *Capparis spinosa* L.,  
*Stevia rebaudiana* ўсимликларининг бирламчи ва иккиламчи  
метаболитлари субстанциялари технологиялари.....

3

**Ботиров Рузали Анварович**

Технологии субстанций первичных и вторичных метаболитов  
растений *Haplophyllum perforatum*, *Arundo donax* L., *Capparis  
spinosa* L., *Stevia rebaudiana* .....

**Botirov Ruzali Anvarovich**

Technologies of substances on primary and secondary metabolites of  
*Haplophyllum perforatum*, *Arundo donax* L., *Capparis spinose* L. and  
*Stevia rebaudiana* plants

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02.30.01.2020.К/Т.104.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**БОТИРОВ РЎЗАЛИ АНВАРОВИЧ**

***HAPLOPHYLLUM PERFORATUM, ARUNDO DONAX L., CAPPARIS  
SPINOSA L., STEVIA REBAUDIANA* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ  
БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛИТЛАРИ  
СУБСТАНЦИЯЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.10- Биоорганик кимё**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.4.DSc/T983 рақам билан  
рўйхатга олинган**

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси  
(www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович  
техника фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** Сагдуллаев Боходир Тахирович  
техника фанлари доктори, профессор  
Рахмонбердиев Гаффор Рахмонбердиевич  
техника фанлари доктори, профессор  
Гафуров Маҳмуджон Бакиевич  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc. 02.30.01.2020.  
К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. . (+99871)  
262-59-13, e-mail: ixrv@mail.ru).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш.,  
Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. (+99871) 262-59-13, e-mail: nhidirova@yandex.ru

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Б.Ж.Элмуратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, к.ф.д., профессор

**Н.К.Хидирова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.н.

**Э.Х.Ботиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор

## **Кириш (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси )**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида ўсимлик хомашёларидан доривор хусусиятга эга биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаолликларини аниқлаш ҳамда уларни тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот изланишлари амалга оширилмоқда. Тиббиёт амалиётида ўсимлик хомашёлари асосида яратилаётган дори воситаларига ва биологик фаол қўшимчаларига бўлган талабнинг ортиб бориши уларнинг кимёвий синтез йўли билан олинган дори воситаларига нисбатан инсон организмига зарари камлиги, осон ўзлаштирилиши, аллергия чақирмаслиги ва бошқа ижобий кўрсаткичлари борлигини асос қилиб кўрсатишимиз мумкин. Шунинг учун доривор ўсимлик хомашёларидан янги дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) субстанцияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, юқори самарали технологияларини яратиш республикамизнинг фармацевтика соҳасини муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимлик хомашёлари бирламчи ва иккиламчи метаболитлари асосида юқори тозаликдаги БФҚларни яратиш, уларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини чуқур ўрганиш натижасида кўплаб безарар, табиий дори воситалари яратилмоқда, фармацевтика корхоналари базаларида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Ўсимликлардан ажратиб олинган бирламчи метаболитлар (углеводлар, оксиллар, ёғлар) ҳамда иккиламчи метаболитлар (алкалоидлар, флавоноидлар, гликозидлар, терпеноидлар ва шу каби табиий бирикмалар) асосида кўплаб янгидан янги дори воситалари, БФҚлар субстанцияларини яратилиши ҳамда ишлаб чиқарилиши тиббиёт амалиётида нейротоксик, спазмолитик, гепатопротектор, афродизий, балғам кўчирувчи, анальгетик хусусиятига эга, антиоксидант, антигипоксант, яллиғланиш, аритмия, саратон, тутқаноқ, депрессия, паразитлар, бактериялар ва бошқа турли хил касалликларга қарши самарали воситалар ҳамда озик-овқат қўшимчалари сифатида кенг қўлланилмоқда.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ўсадиган ўсимлик хомашёлари, турли ҳудудларимизда маданийлаштирилган доривор ўсимлик хомашёлари асосида янгидан янги ҳамда импорт ўрнини босувчи табиий дори воситаларини ҳамда БФҚларни ишлаб чиқариш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш» юзасидан

муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Диссертация ишимизга асосий мавзу қилиб олинган технологик илмий-тадқиқот изланишларимиз - жумладан: қоннинг ивишини тезлатувчи хусусиятга эга бўлган *C.spinosa* ўсимлиги ер устки қисмидан олинадиган стахидрин, оғриқ қолдириш хусусиятли, гипоксия ва яллиғланишга қарши хусусиятли Каппаспин-1, антиоксидант ҳамда эндометриоз касаллигини даволаш хусусиятларига эга бўлган - Каппарин, *H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан олинадиган антидепрессант хусусиятли скиммианин, *A.donax* ўсимлиги ер устки қисмидан олинадиган, тетиклантирувчи хусусиятли Донсумин, *C.spinosa* ўсимлиги ўсимлиги ғунчалари ва етилмаган мевалари хомашёсидан олинадиган Паркинсон касаллигини профилактикасида қўллаш учун Каппаспин, *S.rebaudiana* ўсимлиги ер устки қисмидан олинадиган, шакарга нисбатан ширинлик даражаси 250-350 марта юқори бўлган, кам калорияли *Sweetlife-I* ва *Sweetlife-II* табиий ширинлатгичлари субстанцияларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот изланишлари фармацевтика бозорини янги дори воситалари, янги БФҚлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Режалаштирилаётган илмий-тадқиқот изланишларимиз натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 12-июлдаги ПҚ-3847-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сонли «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги» 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сонли «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида» ги» қарорлари, ҳамда 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сонли «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги» ва 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сонли «Доривор ўсимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлар тўғрисида» ги» фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3-сентябрдаги 991-сон «Ковул ўсимлигини саноатда қайта ишлашни ривожлантириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ҳажмини ошириш тўғрисида» ги фармойиши ҳамда мазкур

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” ва VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Ер юзида кенг тарқалган таркибида биологик фаол моддалар (БФМ) сақловчи ёввойи ҳолда ўсувчи ҳамда маданийлаштирилган ўсимлик хомашёларидан ажратиб олинаётган метаболитлар: алкалоидлар, флавоноидлар, полисахаридлар, дитерпен гликозидлар тузилишини ўрганиш, уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш, шунингдек қишлоқ хўжалиги, фармацевтика саноати ҳамда тиббиёт амалиёти талабларини инобатга олган ҳолда номлари юқорида зикр этилган метаболитлар асосида янги дори воситалари, БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, “жумладан Institute of Bioorganic Chemistry of the Heinrich-Heine University Düsseldorf (Германия), Leibniz Institute of Plant Biochemistry (IPB), Германия, Institut de Chimie des Substances Naturelles (ICSN), Франция, University of California, Berkeley, АҚШ, Yunnan University, Хитой, University of Oxford, Британия” кўплаб дори воситалари яратилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда *H.perforatum*, *A.donax*, *C.spinosa*, *S.rebaudiana* каби ўсимлик хомашёлари таркибидан биологик фаол метаболитларни ажратиб олиш, кимёвий тузилишини, биологик фаолликларини чуқур ўрганиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот изланишлари олиб борилган.

Хорижий олимлардан Beata Olas, Iman Asheghian Amiri, Lucia Sanchez-Rodriguez, Francisca Hernandez, Ayesha Rafique, Mariangela Rondanelli, Aglal A. Alzergy, Aneta Wojdylo, Aslantürk Özlem Sultan, Ali Esmail Al-Snafi, Beata Olas, Iman Asheghian Amiri, Lucia Sanchez-Rodriguez, Francisca Hernandez, Ayesha Rafique, Mariangela Rondanelli, Aglal A. Alzergy, Aneta Wojdylo, Aslantürk Özlem Sultan, Ali Esmail Al-Snafi лар илмий изланишларини олиб борганлар.

МДХ мамлакатларида S.Manikandaselvi, Nadia Benzidane, М.Р.Ванидзе, А.Г.Каландия, Х.Р.Чануквадзе, В.Т.Кочикян, А.Е.Чусова, О.А.Корнева, М.Ю.Тамова, И.Ю.Ситничук, А.М.Юркевич, С.С.Чанг, К.Yamasaki, E.Mosettig, Lingling Zhao каби олимлар фармацевтика, тиббиёт, экология, агрономия соҳаларида тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда ўсимлик хомашёлари таркибидаги БФМларни кимёвий тузилишини ўрганишда С.Ю.Юнусов, П.Х.Йўлдошев, О.С.Содиков,

<sup>2</sup>Диссертациянинг мавзуси бўйича хоижтй-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида шакллантирилган: [www.medline.ru](http://www.medline.ru), [www.eliblaru.ru](http://www.eliblaru.ru), [www.medlit.ru](http://www.medlit.ru), [www.retinajournal.com](http://www.retinajournal.com), [www.pubmed.com](http://www.pubmed.com), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com), [www.oxfordjournal.org](http://www.oxfordjournal.org).

Д.Долимов, С.Қўчқоров, Л.А.Головина, Э.Ҳ.Ботиров, М.Ғафуров, Б.М.Кенешов, А.С.Тўраев, С.Ф.Арипова, А.И.Саидхўжаев, А.Ш.Қодиров, Ш.И.Салихов, А.У.Бабеков, Ю.К.Қўшмуродов, Р.Ш.Шакиров, В.У.Хўжаев, Р.К.Рахмонбердиева, М.М.Исаев, Н.Ш.Рамазанов, И.Д.Бобоев, С.З.Нишанбаев, И.Д.Шамьянов, Н.Д.Абдуллаев, Б.Тошходжаев, Х.М.Бобоқулов каби олимларнинг хизматлари улкан. Ажратиб олинган бирикмаларнинг биологик фаолликлари ва заҳарлилик даражасини аниқлашда А.Г.Курмуков, Ф.Н.Джахангиров, В.Н.Сыров, Ю.Р.Мирзаев, Х.С.Аҳмедходжаева, Ф.М.Турсунходжаева, Ж.Р.Режепов, Ж.И.Исламова каби олимлар ўз илмий изланишларини олиб борганлар. Ўсимлик хомашёларидан дори воситалари субстанцияларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияларини яратишда Т.Т.Шакиров, Х.Н.Арипов, М.Р.И.Шамсуддинов, Ш.Ш.Сағдуллаев, А.З.Садиқов, А.У.Маматханов, У.А.Азизов, Р.М.Халилов, М.А.Маматханова каби олимларнинг, ўсимлик хомашёларини, субстанцияларни, тайёр дори шаклларини аналитик таҳлил усулларини ишлаб чиқишда Е.К.Дабранравова, Г.Л.Генкина, Д.А.Рахимова, М.Р.Якубова, Л.Д.Котенко, Д.К.Муталова каби олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Институт “Табиий бирикмалар асосида аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун янги маҳсулотларни (*фармацевтик, косметологик, ветеринария воситалари ва озуқага қўшимчалар*) инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва замонавий усуллар билан стандартлаш” (2025-2029 йй) илмий-тадқиқот ишлари режалари ҳамда ФА-А11-Т032 «Ўсимлик хом-ашёсидан кон тўхтатувчи Кростопидин, тинчлантирувчи Перфрактидин дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш, меъёрий-техник ҳужжатларни клиник синовларга рухсат олиш учун тайёрлаш» (2015-2017), ФА-А11-Т036 рақамли “*Arundo donax L., Naplophylum perforatum, Peganum harmala* ўсимликлари ва фенилизохинолин қатори яримсинтетик алкалоидлари асосида янги нейро-ва психотроп воситаларини ишлаб чиқиш” (2015-2017) амалий, № И-ФА-2019-40 “*Asteraceae* оиласига мансуб стевия ўсимлигидан тахир таъмсиз тозаланган қуруқ экстракт ажратиб олишнинг кимёвий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2019 - 2021) инновацион, № ПЗ-2019062121 “Ковул ўсимлиги ғунчаси ва мевасидан олинадиган қуруқ экстрактив моддалар асосида кенг миқёсидаги стимулятор таъсирга эга дори воситасини яратиш” (2020-2022 йй) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Республикамизда кенг тарқалган *H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан антидепрессант хусусиятга эга-скиммианин, *A.donax* ўсимлиги ер устки қисмидан тетиклаштирувчи таъсирга эга - Донсумин, *S.rebaudiana* ўсимлиги ер устки қисмидан табиий ширинлатгичлар *Sweetlife-I* ва *Sweetlife-II*, *C.spinosa* ўсимлиги ер устки

қисмидан қон ивишини тезлаштирадиган-стахидрин, эндометриоз касаллигини даволаш хусусиятларига эга Каппарин (флавоноидлар йиғиндиси) ҳамда оғриқ қолдириш, яллиғланиш, гипоксияга қарши хусусиятга эга - Каппаспин-1 (полисахаридлар йиғиндиси), ушбу ўсимлик ғунчалари ва етилмаган мевалари хомашёсидан Паркинсон касаллиги профилактикаси учун – Каппаспин (полисахаридлар йиғиндиси) дори воситалари ва БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқариш технологияларини яратишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** *H.perforatum*, *A.donax*, *C.spinosa*, *S.rebaudiana* ўсимликлари хомашёларини экстракция қилиш жараёнларини ўрганиш, жараёнларни оптимал шарт-шароитларини тажрибаларни математик режалаштиришнинг Бокс Уильсон ҳамда Лотин квадрати усуллари ёрдамида ўрганиш;

ўсимлик хомашёларидан олинган экстрактлардан техник скиммианин, донсумин, стахидрин, каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* субстанцияларини ишлаб чиқариш шароитларини ўрганиш;

олинган техник субстанциялардан юқори тозаликдаги дори воситалари ва БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқариш;

скиммианин, донсумин, стахидрин дори воситалари каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқаришнинг босқичма – босқич назорати усуллари ишлаб чиқиш;

Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонаси (ЎМКИ ТИЧК) базасида яратилган технология ёрдамида клиниколди ва клиник синовлари, дори воситаларини тайёр дори шакллари яратиш учун керакли миқдорда скиммианин, стахидрин, донсумин дори воситалари, каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* БФҚлар субстанцияларини илк стандарт намуналарини ишлаб чиқариш;

хомашёлар, яратилган дори воситалари ва БФҚлар субстанцияларини таҳлили учун зарур бўлган меъёрий-техник хужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ватанимиз ҳудудларида кенг тарқалган *H.perforatum*, *A.donax*, *C.spinosa*, *S.rebaudiana* ўсимликлари хомашёлари ҳамда улардан ажратиб олинган субстанциялар (скиммианин, донсумин, стахидрин, каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II*) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ўсимлик хомашёларининг бирламчи (углеводлар, оксиллар, ёғлар ва бошқ.) ва иккиламчи (алкалоидлар, флавоноидлар, гликозидлар, терпеноидлар ва бошқ.) метаболитлар, улар асосида олинган дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар субстанциялари, уларни хомашёдан экстракция қилиш, тозалаш, чиқиндиларини қайта ишлаш, уларни стандартлаш ҳамда меъёрий-техник хужжатлар

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация илмий-тадқиқотларини бажариш жараёнида технологик (қаттиқ жисм – суyoқлик, суyoқлик – суyoқлик

тизимларидаги экстракция, чўктириш, қайта кристаллаш, қуритиш жараёнлари, хроматографик бўлиш, ультрафилтрация), физик-кимёвий (УБ-, ИҚ-, ЯМР- спектроскопия) ва аналитик (юққа қаватли хроматография, сувсиз титрлаш, спектрофотометрик, юқори самарали суёқлик хроматография, газ суёқлик хроматография) усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тажрибаларни математик режалаштириш усуллари ва бир омилли тажрибалар орқали *H.perforatum*, *A.donax*, *C.spinosa*, *S.rebaudiana* ўсимликларидан бирламчи ва иккиламчи метаболитлари асосида янги биологик фаол субстанцияларни хомашёлардан экстракция қилишнинг оптимал шароитлари аниқланган;

*H.perforatum* ўсимлиги экстрактидан антидепрессант хусусиятига эга бўлган юқори тозаликдаги скиммианин субстанциясини суёқлик – суёқлик технологияси асосида юқори унум билан (80%) ишлаб чиқаришнинг мақбул шароитлари ишлаб чиқилган;

*A.donax* ўсимлиги хомашёси экстрактидан тетиклантирувчи хусусиятига эга бўлган алкалоидлар йиғиндиси - донсумин субстанциясини суёқлик – суёқлик технологияси асосида (77%) ишлаб чиқаришнинг мақбул шароитлари топилган;

*C.spinosa* ўсимлигидан олинган экстрактдан БФМни чўктириш ҳамда сорбцион усулларидан фойдаланиб яратилган ишлаб чиқариш технологияси ёрдамида эндометриоз касаллигини даволовчи – каппарин, қон ивишини тезлаштирувчи – стахидрин, ўсимлик хомашёси шроти сувли экстрактидан оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга, гипоксияга қарши хусусиятли – каппаспин-1 субстанцияларини ишлаб чиқаришнинг оптимал шароитлари аниқланган;

*C.spinosa* ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган Каппаспин ва Каппаспин-1 таркибидаги моносахарид қолдиқлари тури ва миқдори субстанцияларнинг фармако-токсикологик хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган;

дори воситалари ва БФҚ субстанцияларини ишлаб чиқариш технологик босқичларини босқичма-босқич назоратини амалга ошириш имконини берадиган хроматоспектрофотометрик, юқори самарали суёқлик хроматографияси ёрдамида таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор Республикамизда маданийлаштирилган *S.rebaudiana* ўсимлиги хомашёси экстрактидан суёқлик-суёқлик тозалаш усули ёрдамида шакар ўрнини босувчи табиий ширинлатгичлар - *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

- Институт ТИЧК базасида яратилган ишлаб чиқариш технологиялари асосида ўсимлик хомашёларидан скиммианин, донсумин, стахидрин дори воситалари, каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II*, БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқариш қурилмалари яратилиб субстанцияларни ишлаб чиқариш технологиялари қайта кўриб чиқилган. Ушбу қурилмалар ёрдамида фармакоогик ва токсикологик фаолликларини

ўрганиш, керакли барча меъерий-техник хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун субстанцияларни илк стандарт намуналари ишлаб чиқарилган; техник шартлар, технологик йўриқномалар ишлаб чиқилиб юқори ташкилотлар тасдиғидан ўтказилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

*N.perforatum*, *A.donax*, *C.spinosa*, *S.rebaudiana* ўсимликлари бирламчи ва иккиламчи метаболитлари асосида скиммианин, донсумин, стахидрин дори воситалари ва каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* БФҚлар субстанцияларини барча меъерий-техник хужжатлар тўплами талабларига мос келувчи субстанцияларнинг илк стабил (5 та серия) намуналарини ишлаб чиқариш орқали яратилган технологияларнинг ишончилиги исботланган.

*Capparis spinosa* L. хомашёси учун ташкилот стандарти (Ts 03535440-045:2021);

Каппаспин субстанциясини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома (ТИ 03535440-049:2022);

Каппарин субстанциясини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома (ТИ 03535440-073:2025);

*Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* табиий ширинлатгичлари субстанциялари учун ташкилот стандартлари (Ts 03535440-041:2021), (Ts 03535440-042:2022);

*Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* табиий ширинлатгичлари субстанцияларини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқномалар (ТИ 03535440-042:2021), (ТИ 03535440-042:2022) меъерий-техник хужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб юқори ташкилотлар тасдиғидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Яратилган технологияларнинг ишончилиги яратилган субстанцияларни ЎМКИ ТИЧК базасида яратилган технологик қурилмаларда илк стабил намуналарини ишлаб чиқарилганлиги билан ўз исботини топган. Яратилган дори воситалари ва БФҚларни ишлаб чиқариш учун керакли меъерий-техник хужжатларини юқори ташкилотлар тасдиғидан ўтказиш вақтида аккредитацияланган лабораторияларнинг синовларида субстанцияларнинг сифатлари қайта текширилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўсимлик хомашёлари бирламчи ва иккиламчи метаболитлари асосида субстанцияларни (скиммианин, донсумин, стахидрин), БФҚлар (каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II*) илк бор ишлаб чиқариш технологияларини яратилган, технологик жараёнларни босқичма-босқич назорати усулларини ишлаб чиқилган, иккиламчи маҳсулотлардан оқилона фойдаланиш усуллари яратилган. Шунингдек, диссертация иши натижалари ўсимлик хомашёсининг бирламчи ва иккиламчи метаболитлари билан боғлиқ биотехнология, фармацевтика соҳаларида ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, *H.perforatum*, *A.donax*, *C.spinosa* ўсимликлари ер устки қисмларидан скиммианин, донсумин, стахидрин дори воситалари ҳамда *C.spinosa* ўсимлиги хомашёсидан каппарин, каппаспин-1, ғунчалари ва етилмаган меваларидан каппаспин, *S.rebaudiana* ўсимлиги хомашёсидан *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқариш технологиялари асосида ЎМКИ ТИЧК қурилмаларида ушбу субстанцияларни ишлаб чиқариш имконини беради. Субстанцияларни ишлаб чиқарилиши антидепрессант, тетиклантирувчи, қон ивишини тезлатувчи, эндометриоз касаллигини даволовчи, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга, гипоксияга қарши хусусиятли, Паркинсон касаллиги профилактикаси учун дори воситалари ва БФҚлар турларини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот объектларидан субстанцияларни ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

1. Скиммианин дори воситасини хомашёдан ишлаб чиқариш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 7879, 2024 й.). Натижада, депрессияга қарши янги дори воситасини яратиш имконини берган;

2. Ишлаб чиқариш технологияси яратилган донсумин дори воситасини тетиклантирувчи таъсирга эга эканлигига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 7678, 2024 й.). Натижада, тетиклантирувчи таъсирга эга бўлган янги дори воситасини яратиш имкониятини берган.

3. Ишлаб чиқариш технологияси яратилган каппаспин дори воситасини Паркинсон касаллиги профилактикаси учун қўлланилишига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 8162, 2025 й.). Натижада Паркинсон касаллигини даволаш учун янги дори воситасини яратиш имконини берган;

4. Ишлаб чиқариш технологияси яратилган *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* табиий ширинлатгичлари олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 8305 2025 й.). Натижада *S.rebaudiana* ўсимлиги ер устки қисмидан *Sweetlife-I* ва *Sweetlife-II* табиий кам калорияли ширинлатгичларини озик-овқат саноатида қўллаш имконини берган;

5. *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* табиий ширинлатгичлари учун ташкилот стандартлари (Ts 03535440-041:2021, Ts 03535440-045:2021) ҳамда ишлаб чиқариш технологик йўриқномалари (ТИ 03535440-042:2021, ТИ 03535440-042:2022) ишлаб чиқилган. Натижада, *Sweetlife-I*, *Sweetlife-II* табиий ширинлатгичларини серияли равишда ишлаб чиқарилиши амалиётга тадбиқ этиш имконияти яратилган;

6. Каппаспин субстанцияси учун техник шарт (Ts 03535440-045:2021) ва ишлаб чиқариш технологик йўриқнома (ТИ 03535440-049:2022) ишлаб

чиқилган. Натижада, яллиғланишга қарши, оғриқ қолдириш хусусиятли субстанцияни амалиётга тадбиқ қилиш имконияти яратилган;

7. Каппарин субстанцияси учун техник шарт, технологик йўриқномалар (ТИ 03535440-073:2025) ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар натижасида эндометриоз касаллигига қарши БФҚни амалиётга тадбиқ қилиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий-тадқиқот натижалари 13 та Халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ҳамда бажарилган амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳисоботларида маърузалар кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 68 илмий иш чоп этилган, шулардан 27 та илмий мақола, булардан 23 таси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори (DSc) диссертацияларининг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда, жумладан хорижий журналларда 13 та мақола нашр этилган, 4 та патент олинган, 6 та меъёрий-техник хужжатлар тасдиқланган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш қисми, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 190 бетдан иборат.

Муаллиф диссертация ишини шакллантиришда ўз илмий маслаҳатлари ва амалий ёрдамлари учун техника фанлари доктори, профессор Садиқов Алимджан Заировичга ўз миннатдорчилигини билдиради.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предметлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантириш йўналиши режаси доирасида бажарилганлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши тўғрисида ҳамда диссертация тадқиқотлари бўйича нашр қилинган илмий ишлар сони, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Адабиётлар шарҳига бағишланган “*Haplophyllum perforatum, Arundo donax, Capparis spinosa, Stevia rebaudiana* ўсимлик хомашёларида ишлаб чиқариш технологиялари яратилаётган субстанцияларнинг тавсифи” номли биринчи бобда скиммианин, стахидрин, донсумин дори воситалари субстанциялари ҳамда каппарин, каппаспин-1, каппаспин, *Sweetlife-I, Sweetlife-II* БФҚлар субстанцияларига тасниф берилган ва яратилган субстанцияларнинг биологик фаоллиги, хомашёлари захиралари билан бир

каторда турли ўсимлик хомашёлари бирламчи ҳамда иккиламчи метаболитлари асосида дори воситалари ва БФҚлар субстанцияларини ишлаб чиқариш усуллари, олинган маҳсулотларнинг биологик фаолликлари, тиббиёт амалиёти ва озиқ-овқат саноатида қўлланилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг кейинги боблари илмий-тадқиқот изланишларининг тажриба қисмидан иборат бўлиб, **“*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан скиммианин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси”** деб номланган иккинчи бобида антидепрессант хусусиятга эга бўлган скиммианин дори воситаси субстанциясини *H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот изланишлари натижалари муҳокама қилинган.

*H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан скиммианин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш учун хомашёдан алкалоидлар йиғиндисини экстракция қилиш оптимал шароитлари ўрганиб чиқилди.

Бир омили тажрибалар натижасида хомашёни 5-7 мм ўлчамда майдаланиб, 80% ли этил спирти ёрдамида 20-30°C ҳароратда статик усулда биринчи экстракция жараёнида хомашёда сақланишига нисбатан 41,5% скиммианин алкалоидини ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

Ушбу экстракция жараёни жараёнга таъсир қилувчи барча омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш ҳамда маҳсулот чиқимини ошириш учун Бокс-Уильсоннинг тажрибаларни математик режалаштириш усули ёрдамида қайта ўрганиб чиқилди. Натижада экстракция жараёнига омиллар таъсирини кўрсатувчи коэффициентлар қийматини аниқлаш учун дисперсион таҳлил қилинди ва қуйидаги регрессия тенгламаси тузилди:

$$Y=39,8125+ 2,0875X_1 + 1,6375X_2 + 1,4125X_3+ 2,7125X_4$$

Экстракция жараёнини Бокс-Уильсоннинг математик режалаштириш усули ёрдамида қилиш тажрибаларимизда биринчи контакт фазада субстанцияни чиқиш унумини 48,8 % гача оширишга эришилди.

Экстракция жараёни кинетикасини ўрганиш тажрибалари натижалари (жадвал-1) келтирилди.

1-жадвал


*H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан скиммианин алкалоидининг экстракция кинетикаси

№	1-қуйилма	2-қуйилма	3-қуйилма	4-қуйилма	5-қуйилма	вақт
1	22	10	5	3	1	2 соат
2	28	15	8	5	3	4 соат
3	35	23	13	7	3	6 соат
4	49	23	13	7		8 соат
5	49					10 соат

Олинган натижаларга кўра, хомашёни 1-қуйилмани 8 соат, 2,3,4 қуйилмаларни эса 6 соат, 5-қуйилмани 4 соат мобайнида экстракция қилиш самарали эканлиги ҳамда хомашёда сақланишига нисбатан 95% унум билан скиммианин алкалоиди сақлаган спиртли экстракт олиш мумкинлиги аниқланди.

Спиртли экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини ажратиб олиш учун экстракт дастлабки ҳажмидан 1/10-1/12 қисми қолгунча (сувли қолдиқ) қуюлтирилди.


Сувли қолдиқдан алкалоидлар йиғиндисини турли органик эритувчилар ёрдамида суюқлик-суюқлик экстракция қилиш тажрибалари олиб борилди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Сувли қолдиқдан скиммианин алкалоидини чиқиш унумига экстрагентларнинг таъсири**


1-расмдан кўринадики, сувли қолдиқни 25% ли аммиак эритмаси билан ишқорлаб, хлороформ ва диэтил эфир эритувчилари билан экстракция қилинганда алкалоидлар йиғиндисини экстрактга ажралиб ўтиш миқдори юқорилиги, лекин диэтил эфири тез алангаланувчанлиги, захарлилик даражаси юқори эканлиги сабабли скиммианин алкалоидини сувли қолдиқдан ишқорлаб хлороформ эритувчиси ёрдамида экстракция қилиш энг самарали эканлиги аниқланди.

Алкалоидлар йиғиндисини хлороформ билан экстракция қилишда сувли қолдиқ муҳитининг таъсирини аниқлаш учун тажрибалар олиб борилди. Олинган натижалар график кўринишида келтирилган (2-расм).



## 2-расм. Сувли қолдиқдан скиммианин алкалоидини экстракция қилиш унумига сувли қолдиқ муҳитининг таъсири

Алкалоидлар йиғиндисини хлороформ билан экстракция қилиш кинетикасини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди.



## 3-расм. Сувли қолдиқдан скиммианин алкалоидини хлороформ билан экстракция қилиш кинетикаси

Олиб борилган тажрибалар натижасида сувли қолдиқдан скиммианин алкалоидини экстракция қилиб олиш учун экстракт муҳитини рН 9-10 қилиб, хлороформ экстрагенти билан 5:1 нисбатда, 4 марта экстракция қилиб олинганида таркибида хомашёда сақлашига нисбатан 92% гача скиммианин алкалоиди сақлаган хлороформли экстракт олиш мумкинлиги аниқланди.

Хлороформли экстрактда эриган қўшимча моддалардан тозалаш учун хлороформли экстрактдан алкалоидларни 10% ли сульфат кислотаси ёрдамида турли нисбатларда экстракция қилиш шароитлари ўрганиб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

Хлороформли экстрактдан кислотали эритмага скиммианинни экстракция қилиш унумига экстракт ва экстрагент нисбати ҳамда экстракция сонининг таъсири

Экстракция сони	Экстракт ва экстрагент нисбати					
	2:1	4:1	6:1	8:1	10:1	12:1
1	42	38	31	28	24	20
2	58	47	43	42	41	35
3	70	65	61	59	58	46
4	88	80	70	69	68	57
5	90	89	82	80	79	68
6	-	90	90	90	90	85
7	-	-	91	91	91	90

Олиб борилган изланишлар натижасида хлороформли экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини кислотали экстрагентга экстракция бўлишининг

энг мақбул шароити хлороформли экстракт:кислотали экстрагент 10:1 нисбатда 6 марта экстракция қилиш эканлиги аниқланди.


Кислотали экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини ажратиш учун кислотали экстракт алкалоид хусусиятига эга бўлмаган ёт моддалардан тозалаш учун 5:1 нисбатда 2 марта хлороформ билан ювиб олинди. Ёт моддалардан тозаланган кислотали экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини экстракция қилиб олиш учун экстракт муҳити 25% ли аммиак ёрдамида  $pH$  9-10 га келтирилиб, хлороформ билан экстракция қилиб олинди. Олинган хлороформли экстракт сувсизлантирилган натрий сульфат ёрдамида қуритилиб, роторли буғлатгич қурилмаси ёрдамида қуюлтирилди ва қуритилди. Натижада ўсимликда сақланишига нисбатан 86% алкалоидлар йиғиндисини сақлаган техник маҳсулот олинди.

Алкалоидлар йиғиндисидан техник скиммианин ацетон эритувчиси билан ишлов бериш натижасида чўктириб ажратиш олинди.

Техник маҳсулот юқори тозаликдаги ацетон эритувчиси ёрдамида 1,5-2% фаоллаштирилган А маркали нейтрал кўмир ёрдамида тозаланиб қайта кристаллантирилди. Натижада ВФМ лойиҳаси талабларига мос тозаликдаги скиммианин субстанцияси ўсимлик хомашёсида сақланишига нисбатан 80-82% миқдорда ажратиш олинди.

Скиммианин субстанциясини ўсимлик хомашёсидан ажратиш олиш технологик жараёнларида асосий маҳсулотни чиқиш унуми ва йўқотишларини аниқлаш учун хроматоспектрофотометрик босқичма-босқич назорат усули ишлаб чиқилди. Хомашёдан скиммианин субстанциясини ишлаб чиқаришда йўқотишлар 18-20% ни, асосий маҳсулотни чиқиш унуми эса 80-82% ни ташкил этиши аниқланди.

ЎМКИ ТИЧК базасида *H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан скиммианин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси асосида ярим саноат технологик қурилма чизмаси тузиб чиқилди (4-расм).



**4-расм. *H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан скиммианин субстанциясини ишлаб чиқариш технологик тизими.**

Яратилган технологик тизим бўйича скиммианин субстанциясини ишлаб чиқариш учун *H.perforatum* ўсимлиги уруғлаш даврида терилган ер устки қисми ўсимлик майдалагичда 5-7 мм ўлчамда майдаланиб (скиммианин миқдори хомашё массасига нисбатан 0,3%) 10 кг экстракторга жойланади ва йиғгичдан 80% ли этил спирти қуйилиб хона ҳароратида экстракция қилинади. Биринчи марта 24 л (хомашё:экстрагент - 1:2,6 нисбатда) экстрагент қуйилиб 8 соат давомида экстракция қилинади, 12 л экстракт олинади. Иккинчи марта 12 л экстрагент қуюлиб 8 соат давомида 12 л экстракт олинади ва йиғгичга йиғилади. Шунга ўхшаш учинчи - олтинчи экстракция жараёнлари 6, 6, 4, 4 соат давомида ўтказилади. Олинган экстрактлар вакуум остида 50°C ҳароратда сувли қолдиқ қолғунига қадар (7,5 л) қуюлтирилади. Қуюлтирилган экстракт ёғсимон моддалардан тозаланиб, нутч-филтрда филтрлаб олинади ва ажратиш колонкасида 25% ли аммиак ёрдамида *pH* 10 бўлғунига қадар ишқорланади. Сўнгра 3 марта хлороформ (3 л дан) билан экстракция қилинади. Хлороформли экстрактлар йиғгичга йиғилиб вакуум буғлатиш ускунасида 3,0 л миқдорида қолғунига қадар қуюлтирилади ва ажратиш колонкасида 10% ли сульфат кислотаси билан 1 литрдан тўрт марта алкалоидлар экстракция қилиб олинади. Сўнгра реакторга юборилиб 2 марта 5:1 нисбатда хлороформ билан ювилади ва *pH* 10 бўлғунига қадар 25% ли аммиак эритмаси билан ишқорланиб алкалоидлар хлороформ билан уч марта (1,5 л дан) экстракция қилиб олинади. Олинган хлороформли экстрактлар йиғгичга йиғилади ва роторли вакуум қуюлтириш ускунаси ёрдамида қуюлтирилади ҳамда қуритилади. Натижада 100 г алкалоидлар йиғиндиси олинади. Олинган алкалоидлар йиғиндиси ацетон билан ишлов берилиб техник скиммианин алкалоиди Бюхнер воронкаси ёрдамида филтрлаб ажратиб олинади, қуритиш шкафида (қуритилади ва сув ҳаммомида ацетон эритувчисиди фаоллаштирилган кўмир қўшиб қайта кристаллантирилади. Тайёр маҳсулотнинг чиқими 24 г ёки хомашёда сақланишига нисбатан 80% ни ташкил этади.

Ушбу *H.perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан скиммианин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан томонидан № IAP 7879 рақамли “Антидепрессант хусусиятига эга бўлган воситани олиш усули” номли ихтиро патенти билан ҳимояланган.

Диссертациянинг “***Arundo donax* ўсимлиги ер устки қисмидан донсумин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси**” номли учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг тарқалган *A.donax* ўсимлиги ер устки қисмидан донсумин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот изланишлари натижалари келтирилган.

Ўсимлик хомашёсидан алкалоидлар йиғиндисини экстракция қилиш жараёнига асосий омилларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Натижада экстракция жараёни оптимал шароитлари аниқланиб, хомашёда сақланишига нисбатан 95% миқдорда алкалоидлар сақлаган

экстракт олишга эришилди. Қуйида асосий омиллар ва уларнинг аниқланган оптимал кўрсаткичлари келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий омиллар, уларнинг оптимал кўрсаткичлари

Омиллар ва бирлиги	Ўрганилган омиллар даражалари	Оптимал шароит
Майдалиқ даражаси, мм	2 мм, 2-5, 5-9, 9-12, майдаланмаган	2-5
Этил спирти, %	60, 70, 80, 90	80
Ҳарорат, °С	20-30, 30-40, 40-50, 50-60	20-30
Экстракциялар сони - марта ва вақти - соат	1-6 соат, 2-5 соат, 3-4 соат, 4,5-3 соат	5


Олинган спиртли экстрактлар бирлаштирилиб, вакуум остида бошланғич ҳажмининг 8-10% (сувли қолдиқ) қолгунча қуюлтирилди. Сувли қолдиқ 1 сутка давомида 4-6°С ҳароратда сақланди. Ажралиб чиққан оксил-липидлар комплекслари ва сувда эримайдиган смоласимон моддалар декантация ёки филтрлаш йўли билан ажратиб ташланди.

Олиб борилган тажрибалар натижасида сувли қолдиқдан донсумин субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш учун рН 9-10 муҳитда, хлороформ билан экстракция қилиб, экстрактдан алкалоидларни 10% ли сульфат кислотаси муҳитига ўтказиб, алкалоид бўлмаган моддалардан хлороформ билан ювиш орқали тозалаб сўнгра рН 9-10 муҳитда хлороформ билан экстракция қилиб алкалоидлар йиғиндиси ажратиб олинди. Алкалоидлар йиғиндиси (техник донсумин) чиқими хомашёда сақланишига нисбатан 86% ни ташкил этди.

Олинган техник донсумин субстанциясидан юқори тозаликдаги маҳсулотни олиш учун фаолсизлантирилган (фаоллиги Брокманн бўйича V) алюминий оксиди сорбентидан фойдаланилди. Сорбентли колонкадан юқори тозаликдаги алкалоидлар йиғиндиси хлороформ-метил спирти (100:3) системаси ёрдамида ювиб олинди.

Яратилган технология бўйича донсумин субстанциясини технологик жараёнларда чиқиш унумларини ва йўқотишларини аниқлаш учун жараёнларнинг босқичма-босқич назорати ишлаб чиқилди. Натижада хомашёдан донсумин субстанциясини чиқиш унуми хомашёда сақланишига нисбатан 77% ни, йўқотишлар 23% ни ташкил этиши аниқланди.

Қуйида яратилган *A.donax* ўсимлиги ер устки қисмидан донсумин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик тизими келтирилган (5-расм).



**5-расм. Донсумин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг  
принципал технологик тизими.**

Хомашё тегирмонда 2-5 мм ўлчамда майдаланиб (хом ашёдаги донаксин миқдори 0,14%) 50 кг тарозида тортиб олинди, экстракторга жойланди ва ўлчагичдан 180 л 80%-ли этил спирти эритмаси қуйилди. Орадан 6 соат ўтгач 100 л биринчи экстракт қуйиб олинди ва экстракторга яна 100 л 80%-ли этил спирти эритмаси қуйилди. Шу тарзда иккинчи экстракт 5 соат, учинчиси 4 соат, тўртинчиси ва бешинчиси 3 соатдан кейин қуйиб олинди. 520 л бирлаштирилган барча спиртли экстрактлар вакуум буғлатиш ускунасида 52 л сувли қисм қолгунча қуюлтирилди ва 12 соатга совуткичга қўйилди. Ҳосил бўлган чўкма нутч-фильтрда филтрланиб, 51 л сувли қисм ажраткич колонкада муҳит рН 10-12 гача NaOH эритмаси билан ишқорланди. Ишқорланган эритмадан алкалоидлар йиғиндиси ўлчагичдан 10 л хлороформ билан 6 марта экстракция қилинди. Олинган 60 л хлороформли экстракт вакуум буғлатиш ускунасида 6 л гача қуюлтирилди ва ажраткич колонкага қуйилди. Хлороформдан алкалоидларни ўлчагичдан 1 л 10%-ли сульфат кислота эритмаси билан 4 марта экстракция қилинди. Олинган 4 л кислотали экстракт ажраткич колонкада муҳит рН 10-12 гача NaOH эритмаси билан ишқорланди ва 1 л дан хлороформ билан 6 марта экстракция қилинди. 6 л хлороформли экстракт роторли буғлаткичда хлороформ батамом қолмагунча қуюлтирилди. 235,5 г қуруқ алкалоидлар йиғиндиси олинди. Ажратиб олинган техник донсумин субстанцияси хроматографик колонка орқали хлороформ:метанол (9:1 нисбатда) аралашмаси ёрдамида ювиб олинди ва олинган экстракт роторли буғлаткич ускунасида қуюлтирилиб қуритилди. Натижада хомашёда сақланишига нисбатан 77% унум билан тозалик даражаси 93% дан кам бўлмаган донсумин субстанцияси олинди.

Донсумин субстанцияси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан № IAP 7678 рақамли “Тетиклантирувчи таъсирга эга восита” номли ихтиро патенти билан ҳимояланган.

Тадқиқотларимизнинг “*Capparis spinosa* ўсимлиги ер устки қисмини комплекс қайта ишлаш технологияси” номли тўртинчи боби ушбу ўсимлик хомашёсини комплекс қайта ишлаб ўсимлик ер устки қисмидан қон ивишини тезлатиш хусусиятига эга бўлган стахидрин (алкалоид), антиоксидант ва эндометриоз касаллигига қарши каппарин (флавоноидлар), оғриқ қолдирувчи, яллиғланиш, гипоксияга қарши хусусиятларга эга бўлган каппапин-1 (полисахаридлар, оксиллар), ғунчалари ва етилмаган меваларидан стимулятор хусусиятли ва Паркинсон касаллиги профилактикаси учун каппапин (полисахаридлар, оксиллар, флавоноидлар) субстанцияларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот изланишлари натижалари келтирилган.

Адабиётлардан маълумки, бутун дунёда кенг тарқалган *C.spinosa* ўсимлиги ер устки қисми таркибида массасига нисбатан 1,5-2,0% гача алкалоидлар йиғиндисини, 2% гача флавоноидлар йиғиндисини, 7% гача сувда эрувчи полисахарид ва оксиллар йиғиндисини сақлайди.

Олиб борилган илмий-тадқиқот изланишларимиз натижасида *C.spinosa* ўсимлиги ер устки қисмини комплекс қайта ишлаш натижасида ўсимлик хомашёсидан стахидрин, каппарин, каппапин-1 субстанцияларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишга муваффақ бўлдик. Хомашёни этил спирти эритмалари ёрдамида экстракция қилиш орқали хомашёдан алкалоидлар ва флавоноидлар йиғиндисини юқори унум билан ажратиш олишга эришдик. Экстракция жараёнини оптимал шароитлари, жараёнга таъсир қилувчи омиллар жараёни Бокс-Уильсоннинг тажрибаларни математик режалаштириш усули ёрдамида ўрганиб чиқилди (4-жадвал).

Натижада ўсимлик хомашёсидан асосий маҳсулотларни юқори унум билан (95-96%) ажратиш шароитлари аниқланди.

4-жадвал

*C.spinosa* ўсимлиги ер устки қисмини экстракцияси

Жараёнга таъсир қилувчи асосий омиллар	Оптимал шароитлари
Майдалиқ даражаси, мм	2-5
Эритувчи тури, %	80% ли этил спирти
Ҳарорат, °С	20-30
Экстракциялар сони	5
Экстракциялар вақти, соат	8,6,6,6,4

Олинган спиртли экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини ва флавоноидларни ажратиш олиш учун экстракт вакуум остида сувли қолдиқ қолгунича қуюлтирилди. Сувли қолдиқ 1 сутка давомида 4-6°С ҳароратда сақланганда ажралиб чиққан оксил-липидлар комплекслари ва сувда эримайдиган смоласимон моддалар декантация ёки филтрлаш йўли билан ажратиш ташланди. Чўкмага тушган техник флавоноидлар йиғиндиси (техник

каппарин) ажратилди. Олинган техник каппарин турли хил органик эритувчилар – хлороформ, гексан, экстракцион бензин, этилацетат, бутанол билан ишлов берилиб тозаланди. Натижада хлороформ билан ишлов берилиб тозалиги массасига нисбатан 92-95% бўлган каппарин субстанцияси олишга эришилди.

Каппарин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари босқичма-босқич назорати ишлаб чиқилди. Каппарин субстанциясини чиқиш унуми 67% ни ташкил этиши, 33% флавоноидлар йиғиндиси технологик жараёнларнинг турли босқичларида йўқотилиши аниқланди.

Турли хил смоласимон моддалардан ва флавоноидлардан тозаланган сувли қолдиқ қуюлтирилиб, фаолсизлантирилган алюминий оксиди сорбенти билан сувли қолдиқ:сорбент 3:1 нисбатда аралаштирилиб хона ҳароратида қуритилди ва қуритилган сорбентдан стахидрин алкалоидини элюация қилиш учун хлороформ:этил спиртидан иборат бўлган турли системалардан фойдаланилди. Юқори тозаликдаги стахидрин алкалоидини сорбентдан хлороформ:этил спирти 80:20 нисбатидаги системада фойдаланиб элюация қилиб олинди. Олинган элюат қуюлтирилиб ацетон ёрдамида қайта кристаллантирилди. Маҳсулотнинг чиқиш унуми хомашёда сақланишига нисбатан 79-80% ни ташкил этди.

Ўсимлик хомашёсини 80% ли этил спирти билан экстракция қилинганидан сўнг қолган шрот таҳлил қилинганида унинг таркибида қуритилган шротнинг массасига нисбатан 6-7% миқдорида оғриқ қолдириш, яллиғланишга, гипоксияга қарши хусусиятларга эга сувда эрувчи полисахаридлар ва оксиллар сақлаши аниқланди. Ушбу биологик фаол моддаларни шротдан ажратиб олиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Юқори натижаларни шротни сув билан экстракция қилиб, экстрактни дастлабки ҳажмидан 10% қолгунича вакуум остида қуюлтирилди ва экстракт таркибидаги органик эритувчиларда эрийдиган ёт моддалардан тозалаш учун хлороформ билан 5:1 нисбатда 2-3 марта ювиб ташланди. Ёт моддалардан тозаланган экстрактдан полисахаридлар ва оксиллардан иборат бўлган (80:20) субстанция (Каппаспин-1) этил спирти ёрдамида чўктириб олинди. Чўкмага тушган техник каппаспин-1 этил спиртида бир неча марта бўктирилиб, ювиб олинди. Олинган каппаспин-1 субстанциясини чиқими хомашё массасига нисбатан 4,2% ни ташкил этди.


Олиб борилган тадқиқотлар натижасида *C.spinosa* ўсимлиги ер устки қисмини комплекс қайта ишлаш натижасида стахидрин дори воситаси субстанцияси, каппарин, каппаспин-1 БФҚлар субстанцияларини ажратиб олинди. Стахидрин, каппарин, каппаспин-1 субстанцияларини босқичма-босқич назорат усуллари ишлаб чиқилди.

Яратилган субстанцияларни клиниколди синовларини ўтказиш, меъёрий-техник хужжатларни лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган намуналарини ишлаб чиқариш учун ЎМКИ ТИЧК базасида қурилма яратилди (6-расм) ва илк намуналар ишлаб чиқарилди.

Яратилган комплекс ишлаб чиқариш технологияси бўйича *C.spinosa* ўсимлиги хомашёси (стахидриннинг хомашёдаги миқдори 1,2%) 10,5 кг миқдори тегирмонда 2-5 мм ўлчамда майдаланиб, 10 кг тарозида тортилиб, экстракторга жойланиб, ўлчагичдан 80%-ли 30 л этил спирти эритмаси қуйилди. 6 соат вақт ўтгач, 18 л спиртли экстракт қуйиб олинди ва экстракторга иккинчи марта 18 л 80%-ли этил спирти қуйилди. Шу аснода беш марта экстракция қилиб олингандан кейин 108 л спиртли экстракт нутч-фильтрда филтрланди ва вакуум буғлатиш ускунасида (3,5 л сувли қисм қолгунча ҳайдалиб совутилди. Сўнгра декантация усули билан смолалардан тозаланди ва ҳосил бўлган флавоноидлар йиғиндисидан иборат чўкма нутч-фильтрда филтрлаб ажратиб олинди. Ажратиб олинган 160 г флавоноидлар йиғиндиси реакторга солиниб, рангли моддалар ва флавоноид хусусиятга эга бўлмаган моддалардан тозалаш учун 1:5 масса нисбатида 3 марта хлороформ эритувчиси билан ишлов берилди ва нутч-фильтрда филтрлаб олинди. 150 г Олинган каппарин субстанцияси қуритиш шкафида қуритилди. Қуритилган каппарин субстанцияси 140 г ни, ёки флавоноидлар йиғиндисини хомашёда сақланишига нисбатан чиқиш унуми 70% ни ташкил этди.

Филтрлаб олинган 1,5 л сувли экстракт роторли буғлаткичда қуюлтирилди ва ўлчагичдан 150 мл метанол қуйиб суюлтирилди ҳамда 4,5 кг алюминий оксид билан реакторда аралаштириб, қуритиш шкафида қуритилди. 6 кг алюминий оксиди қўшиб қуритилган экстрактни хлороформ билан хроматографик колонкага жойланди. Сўнгра ўлчагичдан хлороформ-этил спирти (80:20) эритувчилар аралашмаси билан дақиқасига 2 мл дан томчилатиб ювиб олинди. Олинган экстрактлар 1,5-2% фаоллаштирилган кўмир иштирокида сув ҳаммомида қайнатилди ва филтрланди, кристаллизаторга қуйилиб, ўлчагичдан 1:10 нисбатда ацетон қуйилди ва ҳосил бўлган стахидрин алкалоиди нутч-фильтрда филтрлаб олинди, қуритиш шкафида қуритилди. Стахидрин алкалоидининг чиқиш унуми хомашёдаги миқдorigа нисбатан 75-80% ни ташкил этди.

10 кг *C.spinosa* ўсимлиги хомашёсини спиртли экстракция қилиб олингандан кейинги шрот қисми қуритилиб (поялари, барглари ҳамда ғунчалари ва етилмаган мевалари), тарозида 10 кг миқдори тортилиб, экстракторлар га жойланди. Экстракторларга 30 л дан ҳарорати 60-65°C бўлган сув билан 8, 6, 4, 4, 2 соат мобайнида 5 марта экстракция қилинди. Олинган 108 л сувли экстрактлар нутч-фильтрда филтрланиб, йиғичга йиғилди ва вакуум буғлаткич қурилмасида қуюқ ҳолга (дастлабки экстракт ҳажмининг 8-10% қисми қолгунча) келгунига қадар қуюлтирилиб йиғичга йиғилди. Қуюлтирилган 9 л миқдorigа сувли экстракт нутч-фильтрда филтрланиб ажратиш колонкаси (АК-33) га юборилди ва йиғичдан узатиладиган хлороформ билан 1:3 нисбатда хлороформда эрийдиган ёт моддалардан тозалаш учун 3 марта ювиб олинди. Хлороформли экстрактлар бирлаштирилиб, регенерация қилиш бўлимига ўтказилди.



**6.-расм. *Capparis spinosa* ўсимлиги ер устки қисмини комплекс қайта ишлаш принципиал технологик тизими.**

